

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019 Fil. 02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙНАЗАРОВ ЗОКИР МАҲМУДОВИЧ

**МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ «ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК» АСАРИДА
ИФОДАЛАНГАН ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Байназаров Зокир Махмудович

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида ифодаланган оламнинг
лисоний манзараси 3

Байназаров Зокир Махмудович

Языковая картина мира, выраженная в "Словаре тюркских наречий"
Махмуда Кашгарского 21

Baynazarov Zokir Mahmudovich

Linguistic view of the world expressed in Mahmud Kashgari's
"Devonu lugati-t-turk" 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019 Fil. 02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙНАЗАРОВ ЗОКИР МАҲМУДОВИЧ

**МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ «ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК» АСАРИДА
ИФОДАЛАНГАН ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.3 PhD/Fil 515 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Элтазаров Жўлибой Данабаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позилжонович
филология фанлари доктори, профессор

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019 Fil. 02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 174, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: 239-11-40; 239-18-92 факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

М.Қ. Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б. Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.

А.Э. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида қадимий ёзма обидалар тилини лингвокогнитив ва лингвомаданий аспектда ўрганиш, уларнинг лисоний-маданий ва антропоцентрик белгиларини очиб беришга қаратилган ва амалга оширилган тадқиқотларда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” (ДЛТ) асари каби тарихий ёзма манбалар тилига хос бирликларни замонавий ёндашувлар ёрдамида текшириш бу йўналишдаги илмий изланишларнинг мундарижасини кенгайтириш, келгуси тадқиқотлар учун янги йўналишлар очиб бериш алоҳида таъкидланади.

Дунё лингвистика фанида ўтмишда тил, тафаккур ва маданият ўртасидаги муносабатларни оламнинг лисоний манзараси концепцияси нуқтаи назаридан ўрганиш тарихий матнлардаги тил бирликларининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари воқеланиш механизмларини очиб беришга кўмаклашиши қайд этилади. Бу эса қадимий сўзлар ботинида ётган концептларнинг миллий-ментал ўзига хослигини таърифлаш, тил тарихида мавжуд бўлган оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) асосий белгиларини лексема-сўз-концепт учлиги доирасида тадқиқ этишга кўмаклашади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги, бир тарафдан, “Девону луғати-т-турк”ни лингвоқомусий обида сифатида текшириш, иккинчи тарафдан, ўзбек тили материалларини миллий-ментал ўзига хослик ҳамда халқимизнинг лисоний-маънавий мероси сифатида ўрганиш бўйича жиддий ютуқларга эришди. Ушбу икки йўналишда қўлга киритилган натижаларга асосланган ҳолда “Девону луғати-т-турк” асаридаги бирликлар орқали ифодаланган концептларни XI асрдаги туркий тиллар ҳамда ўзбек тили ва ҳозирги туркий тилларга миллий хосланган концептлар сифатида текшириш, улар орқали ифодаланган ОЛМнинг асосий белгиларини таърифлаб бериш муҳимдир. Зеро, “Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар”¹. Бу бебаҳо меросни, айниқса, “Девону луғати-т-турк” каби тилимизнинг ноёб хазинасини ўрганиш эҳтиёжи замонавий ёндашувларга асосланган чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2019 йил, 22 октябрь.

тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.“Девону луғати-т-турк” 1914 йилда Истанбулда топилганидан кейин ўтган даврда у бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳар тарафлама ўрганиб келинди. 1939-43-йилларда асар турк тилида ва 1960-63 йилларда ўзбек тилида нашр этилиши, айниқса, тадқиқотларга катта туртки берди². Кейинги йилларда Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам “Девон”нинг таржимаси нашр этилгани, Ўзбекистонда эса унинг Қ.Содиқов томонидан иккинчи таржимаси ва нашри амалга оширилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркияда, Россия Федерацияси, ХХРнинг Уйғур автоном вилоятида ҳамда қардош туркий жумҳуриятларда амалга оширилган тадқиқотларда “Девону луғати-т-турк”нинг лингвистика ва турли табиий-ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан кенг ўрганилиши натижасида бу қомусий ёдгорлик анъанавий фан йўналишлари ва ёндашувлари асосида анча пухта тадқиқ этилди, дейиш мумкин³. 1972, 1975, 1999, 2008 йилларда Туркия Республикасида, 2002 ва

² Atalay, Besim, Dîvânu Lûgat-it Türk Tercümesi, c. 1, Alâeddin Kîral Basımevi, Ankara, 1939, XXXVI+530 s.; Atalay, Besim, Dîvânu Lûgat-it Türk Tercümesi, c. 2, Alâeddin Kîral Basımevi, Ankara, 1940, 336 s + 1 harita; Atalay, Besim, Dîvânu Lûgat-it Türk Tercümesi, c. 3, Alâeddin Kîral Basımevi, Ankara, 1941, 452 s.; ATALAY, Besim, Dîvânu Lûgat-it Türk İndeksi “Endeks”, c. 4, Alâeddin Kîral Basımevi, Ankara, 1943, XL+ 886 s.; Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). 3 жилдлик. 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. -Т.: Фан, 1960; Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). 3 жилдлик. 2-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. -Т.: Фан, 1961; Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). 3 жилдлик. 3-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. -Т.: Фан, 1963; Девони луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов ва С.Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида. -Т.: Фан, 1966.

³ Ҳасанов Х, Махмуд Кошғарий. -Т., 1963; Хайруллаев М. Махмуд Кошғарий // Маънавият юлдузлари. -Т.: Халқмероси, 2001. -Б. 124-129; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. -Т.: Фан, 2009; Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X –XII асрлар). -Т.: Мумтоз сўз, 2009; Раҳмонов Н., Содиқов Қ. Ўзбек тили тарихи. -Т., 2009; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т., 1995; Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 2009. No 6. -Б. 49-51; Gaybullah Babayar. Biruni ve Kaşgarlı Mahmud’un Bazı Orta Asya Yer Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine. // Mahmud al-Kaşgarî’nin 1000 Doğum Yıldönümü Dolaysıyla Uluslar arası Divanu Luğatı’t-Turk Sempozyumu Ayrıbasım. Istanbul 2008. -s. 313-321; Худойбердиев Ж. Махмуд Кошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк”

2018 йилларда Самарқандда “Девон”га бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияларда ушбу монументал асар тилининг турли муаммолари атрофлича таҳлил этилди⁴.

Мазкур диссертацияда “Девону луғати-т-турк” бугунги кун миллий тилимизга хос бўлган оламнинг лисоний манзараси ўртасидаги мутаносиблик, боғлиқлик ва муайян фарқлар, концептосферадаги муштараклик ва маъновий дифференциацияни асослаб бериш учун “инсон”, “гўзаллик”, “соғлиқ” ва “меҳнат” концептлари текшириш материали сифатида олинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» (2011-2016 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. “Девону луғати-т-турк”да ифодаланган ОЛМ ва унинг тегишли компонентлари бўлмиш концепт ва концептосферанинг шаклланиш ва реализация қилиниш механизмининг когнитив қонуниятларини текшириш, ДЛТда ва ҳозирги ўзбек тилидаги концептларнинг миллий лисоний манзарадаги ўрнини белгилаш ва шу орқали тилда ва онгда, индвидуал ва ижтимоий дунёқарашда вужудга келган ўзгаришларнинг ижтимоий-лисоний феномени эканини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқнинг тарихий кечмишига хос ва тил турмушининг турли даврларида доимий фаол бўлган тушунчаларни ифодаловчи концептлар ва уларнинг ОЛМдаги ўрни ёритиб бериш;

асарининг ўрганилиши. –Т., 2010; Brokelmann Carl. Geschichte der Arabische Literatur. Erster Supplementband. – Leiden, 1936; Bombaci Alessio. Histoire de la Literature Turque. –Paris, 1968; Махмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. –Алматы: Дайк-Пресс, 2005. –1288 с; Токоев Т., Коштоқоб К. Диван лугат ат-Турк.Т.П.–Бишкек: Avrasyapress Basmasi, 2012.–с. 592; Miller Konrad-Haensler Heinrich. Weltkarte von al-Kaschghari//Seria Marpe A. Vol.5. 1931; Умняков И.Н. Самая старая турецкая карта мира (XI в.) // Труды Самаркандского государственного педагогического института имени А.М. Горького. Вып. I. –Самарканд, 1940. –С. 103-132; Аббосов С. Махмуд Қошғарийнинг географик мероси / Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд, 2002. –Б. 102-103; Абдулқосимов А. Махмуд Қошғарийнинг картографик мероси /Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд, 2002. –Б. 92-93; Содиков Қ. Махмуд Қошғарий харитаси ҳақида//Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. –Т., 2005 –Б. 1-14; Яна қаранг: Türk Dil Kurumu. Kâşgarlı Mahmud ve Dîvânü Lugâti't-Türk Bibliyografyası >[http://www.tdk.gov.tr/?option=com_dlt&view=dlt&kategori= kasgarli2](http://www.tdk.gov.tr/?option=com_dlt&view=dlt&kategori=kasgarli2) (November, 2018); Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi/Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy un-ti. –Т.: Akadernashr, 2011. – 157 s.

⁴ Türk Dil Kurumunun 40. Divan-ü Lûgati't-Türk'ün 900. yıldönümleri dolayısıyla düzenlenen I. Türk Dili Bilimsel Kurultayına sunulan bildiriler Ankara 27–29 Eylül 1972, Türk Dili Bilimsel Kurultayı, Türk Dil Kurumu, 1975, 575 s.; Dîvânü Lûgati't-Türk Bilgi Şöleni Bildirileri, 7–8 Mayıs 1999, TDK-TÜRKSOY, Ankara, 2000, 146 s; Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд, 2002. Махмуд Замахшарий, Махмуд Қошғарий ва Алишер Навоийнинг лингвистик мероси ҳамда унинг туркий тилларни ўрганишдаги ўрни. - Самарқанд, 8-11 ноябрь, 2018 йил. Халқаро илмий конференция материаллари. - 276 Б.

тарихий ва замонавий концептлар, қомусий ва изоҳли луғатларда ифодаланган ОЛМ ва уларнинг ўзаро муносабатини очиб бериш;

индивидуал ва муаллифлик концепти тушунчаси ва унинг умумлисоний концептосферадаги ўрнини белгилаш;

“Девону луғати-т-турк”да ифодаланган “инсон”, “гўзаллик”, “соғлиқ”, “тураржой” концептларининг лексик-семантик структурасини асослаб бериш;

ДЛТда ва ЎТИЛда ифодаланган концептлар ва ОЛМдаги умумий ва ўхшаш тарафларни таърифлаб бериш;

ОЛМда сақланган тарихий хотира, тилдаги статик ва динамик ўзгаришларнинг ОЛМда акс этиши муаммосини ёритиб бериш;

Тадқиқот объекти ДЛТ ва ҳозирги ўзбек тилидаги оламнинг лисоний манзарасида лингвокультурологик, лингвокогнитив белгилари ҳамда улардаги концепт ва концептосферанинг борлиқни ифода этиш хусусиятларидан иборат. Тадқиқот объекти серқирра бўлиб, у ўзида, шунингдек, ОЛМни тарихий ва замонавий планда тадқиқ этишни ҳам қамраб олади.

Тадқиқот предметини туркий тиллар ва ўзбек тилига хос бўлган ОЛМнинг когнитив ва лингвомаданий аспекти ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда кузатув, таққос, интерпретация, тавсифлаш, қиёслаш, фалсафий-гносеологик, диахрон ва синхрон ёндашув, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, психологик, субстанциал, дискурсив ва лексикографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оламнинг лисоний манзарасининг миллий тилшунослик фанидаги талқини танқидий кўриб чиқилиб, тарихий ва замонавий ОЛМ тушунчаларининг моҳияти асосланган;

тил турмушининг турли даврларида доимий фаол бўлган тарихий ва замонавий концептлар ва уларнинг ОЛМдаги ўрни, ёзма манбалар, қомусий ва изоҳли луғатлардаги сўз ва тушунчаларда ифодаланган ОЛМ ва уларнинг ўзаро муносабати очиб берилган;

“Девону луғати-т-турк” асарида ифодаланган “инсон”, “гўзаллик”, “соғлиқ”, “тураржой” концептларининг лексик-семантик структураси асосланиб, уларнинг умумлисоний концептосферадаги ўрни аниқланган;

“Девону луғати-т-турк” асари ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги мақолаларда берилган концептлар, улар орқали ифодаланган ОЛМдаги умумий ва ўхшаш тарафлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ОЛМни ўрганишга тарихий-лингвокогнитив-лингвомаданий жиҳатдан комплекс ёндашишда ўз ифодасини топган. Тарихий ва замонавий тушунчаларни ифодаловчи концептларда маънонинг воқеланиш механизмига доир назарий қарашлар, умуман, ОЛМни шакллантирувчи когнитив қонуниятлар, ОЛМ ва унинг ташувчи билимларни қабул қилиш, қайта

ишлаш, сақлаш ва узатиш (репрезентация) функциялари таҳлилдан ўтказилган; тарихий ва замонавий ОЛМда ифодаланган оламнинг миллий лингвокогнитив тасвиридаги фарқли ва ўхшаш тарафлар очиб берилган;

Миллий тил лексиконидаги янги шакл ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши, лексик таркибда юз берган семантик-мавзуй ўзгаришлар; луғат таркибида “чуқур” ва “юзак” услубий дифференциацияга кўра юз берган ўзгаришлар, ДЛТ ва ЎТИЛда ифодаланган концептларнинг семантик структурасидаги фарқли тарафлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёслаш, фалсафий-гносеологик, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, психологик, субстанциал, дискурсив таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур натижаларнинг лексикография, когнитив тилшунослик, этнография йўналишида амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун илмий манба бўла олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларидан олий таълимда “Ўзбек тили тарихи”, “Лексикология ва лексикография”, «Лингвокультурология», “Когнитив тилшунослик” каби курсларни ўқитиш ҳамда шу фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Девону луғати-т-турк” асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзарасини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқотда таҳлилга тортилган *kişi* (инсон), *mañiğ* (одам), *sağdıç* (дўст), *urağut* (хотин), *çiqan* (жиян), *uğuş* (қавм, қариндош), *alp* (алп, ботир, қахрамон), *aqı* (сахий, қўли очик) *aba* (ота), *ana* (она), *ebä* (она), *baldiz* (*qayin singil*) *beg* (бек) каби сўзларининг бирламчи маънолари, эски ёзма манбалар ва ҳозирги тилдаги маъносининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларидан ОФ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4295-сонли далолатномаси). Натижада ДЛТ ва ҳозирги изоҳли луғатлардаги сўзларнинг муҳим лексик-семантик белгиларини аниқлашга хизмат қилган;

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида қўлланилган синтактик структураларнинг деривацион хусусиятларига доир хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4295-сонли далолатномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш ДЛТ тилида ва ҳозирги туркий тиллардаги лексик, семантик ва синтактик деривациянинг лисоний табиатини чуқур англашга кўмаклашган;

диссертациядаги ўзбек тили ва туркий тилларнинг лексик қатламлари ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғати-т-турк" асарида ифодаланган дунёнинг концептуал ва лисоний манзараси хусусидаги материал ва хулосалардан Туркия Республикасидаги Фират Университети Гуманитар ва социал фанлар факультетига қарашли Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедрасидаги таълим жараёнида, хусусан: ÇTL 311 Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi I (ўзбек ва янги уйғур тили I); ÇTL 312 Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi II (ўзбек ва янги уйғур тили II); ÇTL 314 Özbek ve Yeni Uygur Edebiyatı (ўзбек ва янги уйғур адабиёти) ; ÇTL 212 Türk Dilinin Sözcüklüğü (туркий тилнинг лексикаси) каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Фират Университетининг 2019 йил, 2 декабрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш ўзбек тили, ўзбек адабиёти, уйғур тили ва уйғур адабиёти, туркий тиллар лексикологияси фанларини ўқитишни яхшилашга ҳамда тегишли мавзуларнинг талабалар томонидан яхши ўзлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотнинг **“Оламнинг лисоний манзараси ва унинг тарихий-қомусий манбаларда ифодаланишининг ўзига хос томонлари”** деб номланган биринчи боби беш бўлимни ўз ичига олади. Биринчи бўлим **“Ўзбек тилшунослигида “Оламнинг лисоний манзараси”** мавзусининг тадқиқ

этилиши масаласи”га бағишланган. “Оламнинг лисоний манзараси” (ОЛМ) тушунчасининг назарий масалалари дунё тишунослигида XIX асрнинг сўнгги чорагидан бери муҳокама қилиб келинмоқда. ОЛМнинг талқини дастлаб В. Фон Гумбольдт, этнолингвист Эдвард Сепир асарларида учрайди.

Кейинги йилларда ОЛМ ва ўзбек тилига хос концепт ва концептосфералар хусусида олиб борилган тадқиқотлар орасида Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, А.Нурмонов, А.Абдуазизов, А.Маматов, А.Собиров, Ж.Элтазаров, Д.Худайберганова, М.Эргашева Т.Ш.Махмараимова сингари олимларнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Ж.Элтазаровнинг фикрича, ҳар бир конкрет табиий-ижтимоий ва лисоний вазиятда инсон дунёни ўз сезги органлари орқали қабул қилиши ва англаши унинг олам ҳақида тасаввурлар тизимини шакллантиради, дунёдаги моддий ва номоддий нарсалар инсон онгига абстракциялаш усуллари ёрдамида чекланган мотивацион белгилар тизими сифатида экспликация қилинади⁵. Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси” мақоласида кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида барча хусусий фанлар томонидан ишлаб чиқилган олам ҳақидаги билимларнинг жами “оламнинг лисоний манзараси” номи эканлиги кўрсатиб ўтилади⁶. Бинобарин, ўзбек тилига хос ОЛМни яратиш учун, авваламбор, унга алоқадор информация (маълумотлар, тушунчалар) корпуси яратилиши, бунда барча хусусий фанларда муомалада бўлган ва ОЛМ компонентларини ифодаловчи сўз ва концептлар қамраб олиниши керак.

“Оламнинг концептуал манзараси (ОКМ) ҳамда оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) тушунчаларининг талқини ҳақида” деб номланган иккинчи бўлимида тил объектив борлиқдан “нусха кўчирмаслиги”, “объектив борлиқнинг бирламчи репрезентацияси дунёнинг ҳиссий билишга, эшашга, интроспекция (ички таҳлил) ва проприоцептив қайта алоқа (тасаввурни яхшилашга қаратилган реакция)га асосланиш, иккиламчи репрезентация эса бу моделнинг олам ва инсоннинг хатти-ҳаракатлари тил бирликлари (сўз) билан ифодаланиши қайд этилади. Биринчи босқични оламнинг концептуал манзараси, иккинчисини эса оламнинг лисоний манзараси дейиш мумкин⁷. Тил оламини махсус белгилар тизими орқали ифодаланиши учун ОЛМнинг кўлами оламнинг концептуал манзарасига кўра анча тордир. Концепт ва тил белгиси (бирлиги) ОКМ ва ОЛМ ҳамда улар ўртасидаги умумият ва фарқлар махсус жадвалда акс эттирилган (*1-жадвал*).

Бобнинг учинчи бўлими “Тарихий-қомусий манбаларда ифодаланган оламнинг лисоний манзараси”га бағишланган. “Девону луғати-т-турк” асари ёзилган даврдан бери халқнинг менталитетида, ижтимоий онгда, шу билан

⁵ Элтазаров Ж.Д. Сўз туркуми парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006, 101-104 бб.

⁶ Маҳмудов Н.Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018), 18-27 бб.

⁷ Кравченко А. В. Место концепта в соотношении языка, сознания и мышления. Жанры речи: Жанр и концепт (В. В. Дементьев (ред.)). -Саратов: Колледж, 2005. -С. 84-102. Яна қаранг: Deacon, T. W. The symbol concept // M. Tallerman & K. Gibson (eds.). The Oxford Handbook of Language Evolution. Oxford University Press, 2011. P. 393-405.

бирга, тилимизнинг тушунча аппаратида, лисоний белгилар тизимида, лексик қатламларида хилма-хил ўзгаришлар юзага келди. Шу сабабли ДЛТ яратилган замон билан давримиз орасида юз берган ижтимоий ва лисоний ўзгаришларни бир-биридан айирмаган ҳолда кўриб чиқиш ўринлидир. Шунинг учун ушбу бўлимда тилимиз тарихидаги сўнгги минг йиллик ичида содир бўлган ўзгаришларини тарихий-қомусий манбалардаги маълумотлар, баъзи сўзлардаги шаклий ва семантик ўзгаришлар мисолида таҳлил қилинди ва натижалар махсус жадвалда келтирилди (2-жадвал).

“Тил эгаси” фактори” деб номланган тўртинчи бўлимда тил эгаси деганда маълум бир тилни биладиган, унинг томонидан шакллантирилган матнларни таҳлил жараёнида ва атрофидаги объектив борлиқни тасвирлашда бу тилнинг тизимли воситаларини қўллай олиш ва бу орқали дунёдаги маълум мақсадларга эриша олиш қобилияти мавжуд эканлиги аниқланган шахс тушунилиши ва унинг вербаль-семантик, когнитив, прагматик каби учта асосий даражаси мавжудлиги кўрсатиб ўтилади⁸. Маҳмуд Кошғарийнинг “тил эгаси” сифатидаги мотивацион, когнитив, фаолиятли, креатив салоҳияти ва уларнинг даражаси белгилари алоҳида жадвалда ифодаланган (3-жадвал).

“Бадиий-илмий адабиётларда тарихий концептларнинг қўлланиши масаласи” номли сўнгги қисмда тил ёрдамида ифодаланган “дунёнинг бадиий манзараси” ҳамма вақт ҳам маълум тарихий даврга хос “дунёнинг лисоний манзараси” билан мос келавермаслиги сабаблари таҳлил қилинади. Биринчидан, адиб тарафидан реал воқелиқни бадиий тафаккур қилиш натижасида оламнинг субъектив бадиий лисоний манзараси ва эстетизм шаклланади, иккинчидан, бадиий лисоний манзара воқелиқни образли ифодалаш натижасидир, учинчидан, оламнинг лисоний, бадиий ва илмий манзаралари лисоний инвентарнинг ҳажми жиҳатидан ҳам фарқ қилиши кўрсатиб берилади ва бу ҳолат “Девон”да ва Фарҳод Жийлоннинг “Маҳмуд Кошғарий” романи тилида учрайдиган *Ўдун (Хўтан), тоғли яғмолар, ябоку, қарлуқ, эликхонлар, тубутлар, бугро, остона, ялавоч, ялавоч туксун, ёбҳу, ҳожиб, бирук, тобғучи, қопуғбоши, қопуғ, ўғуқ, сувбоши, тот уйғурлар, явлоқ сориг* каби сўзларни қиёслаш орқали тегишли хулосалар чиқарилади (4-жадвал)

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Девону луғати-т-турк**”даги **ОЛМ концептосфераси**” деб номланган бўлиб, олти бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда “Концептосфера тушунчаси ва унинг ОЛМнинг шаклланишидаги ўрни” ҳақида фикр юритилади. Маълумки, тадқиқотчилар «концепт» терминига хилма-хил маъно юклайдилар, улардан энг оммавийлашгани концептни сўзнинг маъноси, тушунча, сўз-тушунча англамида қабул қилишдир. Бундан ташқари концептни тасаввур, образ, тушунча кабиларни қамраб олувчи тафаккур бирлиги; образ, тушунча, символ каби унсурлардан иборат менталитетнинг асосий бирлиги; лисоний воситалар билан боғланмаган соф идеал тушунча

⁸ Қаранг: Иванцова Е. В. О термине «языковая личность»: истоки, проблемы, перспективы использования // Вестник Томского государственного университета. - Томск: ТГУ, 2010. - № 4 (12). - С. 24-32; Караулов, Ю.Н. Язык и личность [Текст] / Ю.Н. Караулов. - М., 1989. -С.3-8

сифатида таърифлаш ва концептни инсон онги, фикри, билиш структураларининг акс этиши деб таърифлайдиган когнитив ёндашув ҳам мавжуд⁹. Бинобарин, концептнинг асосида турган сема (инвариант маъно) – тарихий бўлишига ва ундан бир нечта янгидан-янги тасаввур ва маънолар келиб чиққанига қарамай, у ҳар доим тил эгаси томонидан керакли маънода қабул қилинади. Масалан, “Девон”да учровчи *oq (ўқ)* сўзининг бирламчи маъноси “ёй ўқи” дир: *ol oqun urdi*– “у ўқ узди” (ДЛТ, 29). Ўзбек тилида бу сўзнинг “ёй ўқи” маъноси эскирган, у кўпроқ поэтик деталга айланиб бормоқда. Ҳозирда “ўқ”нинг фаол маъноси эса – “ўқ-дори, гильза, патрон, снаряд”, шу билан бирга ўқнинг тўғри чизикли ҳаракатидан ассоциялашган ҳолда вужудга келган “механик асбоб, дастгоҳнинг бир қисми, тўғри чизик, асос” маънолари ҳам мавжуд¹⁰ (О’ТЛ, IV, 189-190). социум унинг фаол маъносини биринчи навбатда ўз хотирасида сақлайди ва унинг тарихий (асл инвариант) маъносини эса кейинги навбатда эслайди ва фақат зарур бўлгандагина нутқий муомалада қўллайди.

Концептосфера эса тил эгаси (индивид, социум ёки тил жамоаси)нинг дунёни қабул қилиши ва англаши билан боғлиқ бўлган концептларнинг жами бўлиб, у махсус тизим сифатида мавжуддир ва унинг тараққиёти концептлар қаторида янги-янги концептларнинг пайдо бўлиши ва ҳамда ядро ва периферия қисмлар ўртасидаги мутаносибликнинг ўзгариб бориши билан характерланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисмида “XI асрдаги туркий халқлар ижтимоий ҳаёти турли қирраларининг “Девону луғати-т-турк”да ифода этилиши масаласи”га эътибор берилди. Асардаги тегишли мақолаларда Маҳмуд Кошғарий синчков тадқиқотчи ва кузатувчи сифатида XI аср туркий халқлари ижтимоий, сиёсий, маданий, адабий ҳаётининг кўплаб соҳаларига оид маълумотларни баён қилган. Бу эса “Девон”даги лексема, сўз, концептларнинг XI асрдаги туркий тил ва шевалар воситасида ифодаланган ОЛМнинг жуда катта қисмини қамраб олганини кўрсатади.

“Девон”да ифодаланган ОЛМни 20 дан ортиқ компонентларга ажратиш мумкин ҳамда бу мавзуй гуруҳлар XI аср туркий халқлар ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олади¹¹: сиёсат ва давлат бошқаруви; туркий олам ва дунёдаги этник аҳвол; туркий халқларнинг ҳаёт тарзи; оила; қавм-қариндошлик; халқ; ижтимоий табақалар; жамиятдаги кундалик ҳаёт; диний

⁹ Sitwala, ImendaIs. There a Conceptual Difference between Theoretical and Conceptual Frameworks? //Journal of Social Sciences, 2014, 38 (2), 185-195; Eco, Umberto A Theory of Semiotics. – Bloomington: Indiana University Press, 1978, p. 310, ; Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность: От теории словесности к структуре текста: антология / под ред. проф. В.П. Нерознака. - М.: Academia, 1997. С. 269; Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике.- Воронеж: Истоки, 2001. -191 с.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. Тўртинчи жилд. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2007. -189-190-бб.

¹¹ Қаранг: Genç, Reşat. Kaşgarlı Mahmud’a Göre XI. Yüzyılda Türk Dünyası. 2. Baskı. -Ankara, 2015. - 386 S.

Golden Peter B. The turkic world in Mahmūd al-Kāshgharī//Complexity of inter action along the eurasian steppe zone in the first millennium ce. ISBN 978-3-936490-14-7. –Bonn, 2015. – 503-556 бб.

эътиқодлар ва одатлар; таълим ва илм-фан; тиббиёт; ўйин ва мусобақалар, кўнгилхушлик; адабиёт, мусиқа ва чолғу асбоблари; кийим-кечак; уй-жой; озиқ-овқатлар ва егуликлар; тақвим; от ва бошқа нақлиёт воситалари; иқтисод, молия; хўжалик (5-жадвал).

Бобнинг учинчи бўлими “Девону луғати-т-турк”да ифодаланган “инсон” (эр, киши) концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари” деб номланади. Маълумки, «инсон» концептосфераси билиш бирлиги сифатида барча тиллар ва маданиятлар соҳиблари учун универсал ҳодисадир. “Девону луғати-т-турк”да тасвирланган “инсон” концептосфераси хусусида ҳам ана шундай мулоҳаза юритиш мумкин.

“Девону луғати-т-турк” асаридаги инсон маъносида қўлланадиган эр, киши концептлари эркак, эр, аёл, бола, уй, оила, қариндошлик, инсон характери, ижтимоий-руҳий, руҳий-физиологик ҳолатига хос белгилар ва уларни ифодаловчи birlikлар каби компонентларда ўз концептосферасини ташкиллаштиради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асаридаги “инсон” тушунчасини ифодаловчи эр, киши концептларининг изоҳлари баён қилинганда, бу тушунчаларнинг ўша давр тилидаги концептуал майдондаги маънолари келиб чиқади ва уларни қуйидаги тоифаларда кўриш мумкин:

Маънавий тушунчалар (уй-турар жой, хўжалик, анжомлар, егулик, байрам, меҳмондорчилик, дам олиш); *қариндошлик алоқалари* (никоҳ, фарзанд, қариндош, авлод); *инсоннинг жисмоний, психофизиологик, психологик тавсифи* (бадан, соғлиқ, қобилият, юмор, самимийлик); *ҳис-туйғулар* (қувонч-шодлик, муҳаббат, ғам-андух, кўрқув, ғазаб, нафрат); *моддий, ижтимоий, маънавий, маданий тушунчалар* (моддий ноз-неъматлар, меҳнат, билим, дўстлик, мардлик, этика, эстетика, она тили, эътиқод, инсонпарварлик); *замон ва макон категориялари* (ёш, туғилиш, ўлим, ўтмиш, келажак)(6-жадвал).

Тўртинчи бўлим “Девону луғати-т-турк”да ифодаланган “гўзаллик” концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари” деб аталади.

Ўзбек тили учун гўзаллик тушунчаси, авваламбор, “аёл” тушунчаси билан боғлиқ, ундан кейинги ўринларда “табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ туйғуларини уйғотувчи хусусиятларини ифодалаш” тушунилади. Бу ҳолат тилимизда минг йиллардан бери мавжуд бўлиб келганлиги маълум.

Қадимги туркий халқларда “гўзаллик” тушунчасининг аёлларга нисбат берилганлиги махсус гўзаллик маъбудалари мавжудлиги ва улар гўзал, қаҳрамон, уддабурон, саришта аёллар қиёфасида тасаввур этилгани кузатилади: *Умай она (Uma ana), Айизит (Ayizit), Кўнай хотин (Kubey Hatun)*¹². Шунингдек, жисман ва маънан гўзалликнинг тилдаги қаршилиги “кўркли” ва “кўрклилик” (“görklü”, “görklülük”) сўзлари билан ифодаланган.

“Девону луғати-т-турк”даги мақолаларда гўзаллик тушунчаси “*урағут, хатин-қадин/қатин/киши*” шаклида ифодаланган аёл концепти билан боғлиқ

¹² Қаранг: Eski Türk Kadınlarında Güzellik ><http://www.kadinlar.tc/eski-turk-kadinlarinda-guzellik/> (December, 2018); Türk Mitolojisinde Öne Çıkan 37 Tanrı, Tanrıça ve Figür ><https://onedio.com/haber/islam-oncesi-turk-mitolojisindeki-tanri-ve-tanricalar-497473> (December, 2018).

ҳолда ифодаланганини кўриш мумкин. “Девону луғати-т-турк”даги гўзаллик концептосферасининг асосий хусусиятларини асардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича изоҳлаш мумкин: *Аёлнинг гўзаллигини тавсифловчи жисмоний, психофизиологик ҳолатлар* (бўй-баст, юз-бош, кўз-қош, одоб-ахлоқ, муносабатлар); *қариндошлик алоқалари* (никоҳ, эр, фарзанд, қариндош, авлод); *аёлнинг ижтимоий мақоми, безаниш* (мурожаат, соғлик, ёш, қобилият, юмор, самимийлик); *ҳис-туйғулар* (қувонч-шодлик, муҳаббат, ғам-андух, кўрқув, ғазаб, нафрат) ва бошқалар (7-жадвал).

Бобнинг кейинги бўлими “Девону луғати-т-турк”да ифодаланган “соғлик” концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари”га бағишланган. Қадимги туркий халқлар ва жумладан, ўзбеклар ҳам табиатан жанговар бўлганлиги ва тарихий асарларда одатда чарчоқ ва кўрқув билмаган жангчи сифатида тасвирланган. Шу сабабли “Девон”даги “соғлик” концепти таҳлил этилар экан, туркий халқлар ўртасида Маҳмуд Кошғарийгача бўлган даврдаги инсон соғлиги ва халқ табобати билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларни тоифалаштириш ва уларни шунга кўра маълум концептосферадаги таҳлилни амалга ошириш муҳимдир.

“Девону луғати-т-турк”даги “соғлик” концептосферасининг асосий хусусиятларини асардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича изоҳлаш мумкин: *жисмоний ва руҳий соғлиқ билан боғлиқ ҳолатлар* (касалликнинг тури, белгилари, инсон ва ҳайвонга алоқадор умумий касалликлар); *мистик ва эмпирик табобатга доир тушунчалар* (эски туркий қам/шаман мистик табобати ва XI аср халқ табобатига хос тушунчалар); *даво муолажалари, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналарга доир тушунчалар* (“соғлом/касал одам” тушунчаси, дори-тармон, қам, шаман ва табибларнинг даво усуллари ва воситалари, гигиена (тоза-озодаликка) (9-жадвал).

Сўнгги бўлимда “Девону луғати-т-турк”да ифодаланган “тураржой” (*ew barq*) концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари” таҳлил берилди. Туркий халқларнинг қадимги турмушида тураржойлар хилма-хил бўлган, шаҳарларда, кишлокларда яшаган, улар учун “тураржой” компоненти оддий кулбадан тортиб саройгача бўлган биноларни англатган. Шу маънода ўтроқ туркий халқлар учун тураржой – яшаш маскани, бошпана жой, уй-жой бинолари сифатида қабул қилинган. Кўчманчи ҳаёт тарзига эга туркий халқлар учун оқ уй, қора уй (ўтов), чайла, қапа, олачуқ каби (наMAT ва ёғочдан), арава устига қурилган кўчик (кўшк) кенг қўлланган, улар оила истиқомат қиладиган уй, оиланинг маиший ҳаёти ўтадиган муҳитни англатар эди.

ДЛТда ифодаланган “тураржой” концепти билан боғлиқ тушунчалар нафақат уй-жой, балки уйда яшовчи инсонлар оила, уруғ; уй ашёлари, уй-рўзғор буюмлари, уй-жой билан боғлиқ маросимлар, одатлар, анъаналарни ифода этган концептларнинг тўпламидан иборат бўлади ва бу ҳолни қуйидагича ифодалаш мумкин: *уй ва уйсозлик билан боғлиқ тушунчаларнинг мавзуйи гуруҳлари* (кўчманчи ва ўтроқлашган тамаддунга оид тураржойларни англатувчи концептлар); *уй анжомлари билан боғлиқ тушунчаларнинг мавзуйи гуруҳлари* (уй-жойни ташкил этувчи таркибий компонентларни англатувчи ҳамда уй-рўзғор анжомлари билан алоқадор тушунча ва тасаввурларни

англатувчи концептлар) (11-жадвал).

Тадқиқотнинг учинчи боби “Девону луғати-т-турк”даги болалар дунёсининг лисоний манзараси” деб номланади ва у тўрт бўлимни ўз ичига олади.

Бобнинг биринчи бўлимида “Кириш қайдлар” сифатида болалар дунёсининг лисоний манзараси ҳақидаги умумий тушунчалар баён қилинган ҳамда тил ва тафаккурнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, кишининг ёши, жинси, эътиқоди, маълумоти, олам ҳақидаги тушунча ва билимлар савияси каби параметрлар жуда аҳамиятли эканлигига эътибор қаратилган. Бинобарин, ОЛМнинг турлари ўрганилар экан, ҳар бир алоҳида ҳолатда “тил ичидаги инсон ва инсондаги тил” тамойили бунга боғлиқ антропоцентрик парадигмани назарда тутиш зарур.

“Олам манзаралари турлари ва уларнинг орасида болалар дунёси лисоний манзарасининг ўрни” номли иккинчи қисмида олам манзарасининг турлари ҳақида маълумот берилган. оламнинг оддий (одатий) лисоний манзараси; оламнинг илмий манзараси; оламнинг бевосита манзараси; оламнинг билвосита манзараси каби ОЛМ турлари ичида болалар дунёсининг лисоний манзараси мавжуд эканлиги ва ҳар бир боланинг қалбида ярим мифологик, ярим мистик ва хаёлий бир дунё борлиги, бу дунё ичидаги дунёнинг лисоний ифодаси эса болаларга хос тушунча ва тасаввурлар билан ифода этилганлиги қайд этилади. Боланинг ОЛМидан фаол жой олган концептларни қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1) *ижтимоий-маданий образлар* (оила аъзолари, тенгдошлари, бола учун обрўли-этиборли бўлган шахсларнинг (тарбиячи, синф раҳбари, директор, доктор, милиционер...); 2) *болалар дунёси лисоний манзарасида учрайдиган мавҳум тушунчалар* (Худо, фаришта, жин, ажина); 3) *фольклор ва катталардан эшитилган ҳикоялардаги қаҳрамонлар* (Алдаркўса, учар гилам, Етти оғайни, бўри, тулки, аждар, Семурғ, учар тарелка, юлдуз, ой, осмон жисмлари)¹³.

